

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ МАШРАБ ИСМАТИЛЛОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНГАН АНТИБИОТИКОРЕЗИСТЕНТ  
ГЕМОЛИТИК ЭШЕРИХИОЗДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ХОС  
ЦИТОКИНЛИ ЖАВОБ ВА КОЛИИНФЕКЦИЯНИ ДАВОЛАШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавлениеавторефератадиссертации докторафилософа (PhD)**  
**Contentofthe DoctorofPhylosophy(PhD)abstract of dissertation**

**Юсупов Машраб Исматилов**

Болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойиллари ..... 5

**Юсупов Машраб Исматилов**

Провоспалительный цитокиновый ответ у детей с колиинфекцией, вызванной антибиотикорезистентными гемолитическими эшерихиями и организационно-методические принципы лечения..... 29

**Yusupov Mashrab Ismatillovich**

Proinflammatory cytokine response in children with coliinfection caused by antibiotic-resistant hemolytic escherichia and organizational and methodological principles of treatment..... 54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ МАШРАБ ИСМАТИЛЛОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНГАН АНТИБИОТИКОРЕЗИСТЕНТ  
ГЕМОЛИТИК ЭШЕРИХИОЗДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ХОС  
ЦИТОКИНЛИ ЖАВОБ ВА КОЛИИНФЕКЦИЯНИ ДАВОЛАШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фалсафа докторли (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1468 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифаси ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар**

**Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ризаев Жасур Алимжанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Агзамова Сайёра Саидаминовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**В.И Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), E-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эшерихиоз, колибактериоз, колиэнтерит, колисепсис каби ўткир юқумли касалликларнинг кескин ортиши ва улар янги туғилган чақалоқ, ҳайвон ва қушларда энтерит, септицемия ва токсемия кўринишида меъда-ичак йўллари зарарлаши ва оғир асоратларни юзага келтириши билан тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Келтирилган илмий манбаларда «...гемолитик эшерихиялар келтириб чиқарган колиинфекцияларда болалар ичак микрофлораси сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгаришлари натижасида дисбактериоз кузатилади...»<sup>1</sup>. Эшерихиоз билан хастланган болаларнинг асосий қисмини сунъий озиқланишда бўлган болалар ташкил қилмоқда. *Enterobacteriaceae* оиласига грамманфий, ҳар хил турларни ўз ичига олган *Obesumbacterium*, *Xenorhabdus*, *Kluyvera*, *Rahnella*, *Cedecsea*, *Tatumella*лар каби янги авлодлар кўшилиши гемолитик *E.coli* ёш болаларда узоқ давом этадиган диареяни ривожлантиради. Гемолитик ичак таёқчалари штамлари биологик жиҳатдан гетероген хусусиятга, яъни антигенлик, ферментатив, вирулентлик омиллари ва антибиотикларга резистентликка эгаллиги билан тавсифланади. Классик бактериологик усуллар орқали О-ва Н-антигенлар зардоб тўпламининг йўқлиги сабабли уни аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли, болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини ишлаб чиқиш бугунги кунда замонавий тиббиётнинг ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада иммун тизим ривожланиши 2-, 3- ва 4-критик даврларига тўғри келган болаларда гемолитик *E.coli* кўзғатган ўткир ичак инфекциялари хасталиги, гемолитик хусусиятларини бактериологик, гемолитик *E.coli* кўзғатган ўткир ичак касалликларида яллиғланишга хос IL-6 ва IL-8 цитокинлар миқдорини ва унга боғлиқ ҳолда эшерихияларнинг антибиотикларга резистентлигини баҳолаш ҳамда болаларда кўзғатган ўткир ичак инфекцияларини даволашда ташкилий-услубий тамойилларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли юқумли касалликлар натижасида юзага келадиган патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

<sup>1</sup>Макарова М.А., Сужаева Л.В., Кафтырева Л.А. Дети раннего возраста с дисбиозом кишечника как носители энтероаггративных *Escherichia coli* // Журнал микробиологии – 2021.- №4.- С. 54-58.

стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ичак инфекциялари билан шуғулланувчи бир қатор етакчи олимлар республикамиз ҳудудида юқумли касалликлар салмоғида ичак инфекциялари асосий муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб, касалликлар этиологик жиҳатларини эрта ташҳислаш, дифференциал ёндашув ва даволаш масалаларига кенг эътибор беришган. Шу соҳада изланишлар олиб борган бир қатор олимлар фикрича, ўткир диареялар болаларда катталарга нисбатан оғирроқ кечиши, узок давом этиши ва ўлим фоизини кўпроқ қайд этилиши тасдиқланган (Тхакушинова Н.Х., 2017; Ющук Н.Д. ва ҳаммуал., 2015).

Тадқиқотчилар янги туғилган чақалоқларда ривожланаётган ўткир ичак инфекцияларини гемолитик эшерихиялар ривожлантиради ва айнан улар болалардаги колиинфекцияларга сабабчи бўлади, деб ҳисоблашган (Соловьева И.В., Белова И.В., 2017). Интерлейкинлар қаторига кирувчи Липокалин 2 организмни бактериал инфекциялардан ҳимоя қилади. Липокалин 2 сидерофорлар билан бирикиб, *E.coli*нинг эркин темирни бириктиришини блоклайди ва натижада ичак таёкчасида резистентлиги

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хамда вирулентлиги йўқолган (Костарева О.С., Габдулхаков А.Г.,2019). Микроблар пейзажи масалалари ва антибактериал давони тайинлашда аниқланган қўзғатувчиларнинг сезувчанлик хусусиятлари ва клиникаси, ташҳиси, даволаш масалалари ҳамда ўткир ичак инфекцияларидан кейин ривожланган постдиарея синдроми моддалар алмашинувининг бузилишидаги биринчи сабаблардан бўлиб, бу ҳолат касалликни даволашни тўғри ва самарали бўлишида қўзғатувчиларнинг антибактериал дори воситаларига нисбатан сезгирлиги асосида даволашда тавсия этишда билимларни шаклланишини талаб этган.

Шу билан бирга антибиотикларнинг ноўрин тайинланиши ичак инфекциялари қўзғатувчиларида резистентлик хусусияти шаклланиши ва клостридиялар сабабли вужудга келадиган диареялар ривожланишига олиб келган (Ибадова Г.А., 2014; Камилова А.Т., 2017; Молочкова О.В., 2017). Маълумки, энтеробактериялар, хусусан эшерихиялар ҳужайра деворидаги липополисахаридлар макрофаглар фаоллигини ошириб цитокинлар секрециясини стимуллайди. Шунинг учун сўнгги йилларда цитокинларнинг юқумли касалликларни ривожланишидаги аҳамиятига қизиқиш ортиб борган. Чунки интерлейкинлар умумий яллиғланиш жараёнида, иммун жавоб шаклланишида, Т-ва В-лимфоцитлар фаоллашувида, хемотаксис, адгезия, простагландинлар ишлаб чиқарилишида, болалар организмида иммун тизимнинг шаклланишида, ҳужайра апоптозидаалоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Эшерихиоз билан хасталанган болалар периферик қон таркибидаги цитокинлар миқдорини аниқлаш организмда шаклланиган иммунологик ўзгаришлар ва патологик жараённи бошқариш имконини берган (Ольховская О.М., 2010).

Ўзбекистонда эшерихиозлар билан хасталанган болаларни эрта ташҳислаш ва даволаш масалаларини ҳал этиш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб борилган, масалан, кўкрак ёшдаги болаларда ривожланган диареянинг этиологик муаммолари изоҳланган (Актамов М.А., 1966); эрта ёшдаги болаларда ўткир ичак инфекциялари ривожланишида гемолитик эшерихияларнинг аҳамияти баҳоланган (Рахимов А.Х., 1988); болалар колиинфекциясида колибактерин ва бифидумбактеринларни гемолитик эшерихияларга таъсири изоҳланган (Нуралиев Н.А., 2001; Утемурадова Г.Э., 2009), бироқ, болаларда иммун тизим ривожланишининг 2-, 3- ва 4-критик даврларида ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларинитакомиллаштиришга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Шундай қилиб, гемолитик эшерихиялар билан хасталанган болаларни эрта ташҳислаш ва даволаш масалаларини бактерияларнинг антибиотикларга чидамлилиги ортиб бораётганлиги билан боғлиқ экологик хавф глобал муаммолардан бири бўлиб турган вақтда, антибиотикорезистент гемолитик *E.coli* чақирган эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавобни ташҳислаш ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини кўрсатган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5436-012000260 «Инсонларда ривожланадиган юқумли ва юқумли бўлмаган этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иммун тизим ривожланиши критик даврларидаги болаларда ривожланган антибиотикларга нисбатан чидамли гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ҳамда колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тартибларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иммун тизим ривожланиши 2-,3- ва 4-критик даврларига тўғри келган болаларда гемолитик *E.coli* кўзғатган ўткир ичак инфекциялари касаллиги кечиш хусусиятларини баҳолаш;

тиббий маълумотларни ретроспектив таҳлили асосида бактериологик усулда ажратилган *E.coli*нинг гемолитик хусусиятларини баҳолаш;

шифокорлар орасида сўровнома ўтказиш ва тиббий ҳужжатларни таҳлил қилиш усуллари билан ўткир ичак инфекцияларини эрта ташхислаш ва даволаш соҳасидаги тиббий ёрдамни ташкиллаштиришнинг мавжуд моделини баҳолаш;

гемолитик *E.coli*кўзғатган ўткир ичак касалликларида яллиғланишга хос цитокинлар (IL-6 ва IL-8) миқдорини ва унга боғлиқ ҳолда эшерихияларнинг антибиотикларга резистентлик хусусиятларни ташкилий тизимли тартибини ишлаб чиқиш;

антибиотикларга резистент гемолитик *E.coli* иммун тизим ривожланиши 2-, 3- ва 4-критик даврларига тўғри келган ўткир ичак инфекцияларини даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2021 йиллар давомида Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ичак инфекциялари бўлимида ва вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида ўткир ичак инфекциялари билан даволанган 1017 нафар беморларни саралаш орқали касаллик тарихларини ретроспектив таҳлили, шунингдек эшерихиоз билан хасталанган 233 нафар бемор ва 60 нафар соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эшерихиоз билан хастланган болаларнинг архив материаллари ретроспектив таҳлили, аҳоли ва шифокор-респондентларнинг анкета-сўровномалари натижалари, беморлар ва уларнинг тиббий ҳужжатлари, шунингдек серологик текшириш натижаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.**Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқотда саралаш, ижтимоий (сўровнома), таҳлилий, клиник,

иммунологик, серологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

худудий тарзда болаларда колиинфекцияларни келтириб чиқарган антибиотикларга чидамли гемолитик *E.coli* штамmlарининг спектри ва учраш даражаси, ҳужайравий ва гуморал иммун бўғинларининг нисбати бўйича организмнинг қаршилик даражаси пасайиши натижасида касалликнинг ривожланишига шароит яратилганлиги асосланган;

гемолитик *E.coli* кўзғатган касалликларда яллиғланишга хос цитокинлар - IL-6 ва IL-8 нинг меъерий даражага нисбатан 54% га ва унга боғлиқ ҳолда эшерихияларни антибиотикларга нисбатан резистентлигини 39,8% га ошиши натижасида касалликнинг оғир даражада кечишига таъсир қилувчи хавф омиллари исботланган;

антибиотикларга резистент бўлган *E.coli* штамmlари кўзғатган диареяни даволашда кўзғатувчининг инобатга олиниши керак бўлган 47% гемолитик ва 57,5% биокимёвий хусусиятлари ўзгариши натижасида кўзғатувчининг патогенлиги, вирулентлигининг юқори ва паст даражаларига нисбатан ходиса-назорат кўрсаткичлар градиациясининг аҳамияти исботланган;

илк бор Ўзбекистон Республикаси худудида иммун тизим ривожланиши критик даврларига тўғри келган, антибиотикларга чидамли бўлган гемолитик *E.coli* штамmlари кўзғатган диарея билан хасталанган болаларда колиинфекцияни даволаш ва асоратларини бартараф этишни ташкилий тартиби шанслар нисбатига кўра такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гемолитик *E.coli* кўзғатган касалликларда яллиғланишга хос цитокинларни ўзгариши эшерихияларнинг антибиотикларга нисбатан резистентлиги ортишига олиб келган. Гемолитик эшерихиялар томонидан кўзғатилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморларда IL-8 миқдорининг реконвалесценция даврида меъёр даражасига келиши касалликнинг махсус асоратлари ривожланмасдан тузалиши изоҳланган;

колиинфекция билан касалланган бемор болалардан ажратиб олинган антибиотикларга резистент гемолитик эшерихиялар соғлом болалардан ажратилган гемолитик эшерихиялардан юқори вирулентлиги, экзотоксин ажратиши, биокимёвий фаоллиги борлиги билан асосланган;

колиинфекция билан касалланган болалардан ажратиб олинган гемолитик эшерихиялар маҳаллий штамmlари 6-9 турдаги кенг спектрли, соғлом болалардан ажратиб олинганлари эса, 2-4 турдаги антибиотикларга нисбатан чидамлилиги асосланган;

антибиотикларга резистент бактериялар томонидан кўзғатилаётган юқумли касалликлар, гемолитик ичак таёқчалари кўзғатаётган касалликлар лаборатор диагностикаси самарадорлигини ошириш муаммосини экспресс-диагностик усуллар, автоматлаштирилган бактериологик идентификаторлар ёрдамида ва интерлейкинлар миқдорини аниқлаш орқали ҳал қилиш

масаласини йўлга қўйиш иқтисодий самарадорлиги баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиганклини, иммунологик, серологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларининг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гемолитик *E.coli* қўзғатган диареяларнинг болаларда ривожланиши, таъсир этувчи эпидемиологик омиллар, оғир клиник-лаборатор белгиларни бартараф қилиш бўйича чоралар таклиф қилинганлиги ҳамда даволаш схемасининг самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар орасида гемолитик *E.coli* қўзғатган диареяларни башорат қилишда хавф омилларини танлашга бўлган такомиллаштирилган ёндошишнинг асоси бўлиб, бу эса болаларда касаллик ва унинг асоратларини даволашнинг клиник, серологик, биокимёвий самарадорлиги ошишига олиб келиши билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойиллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антибиотикларга резистент гемолитик ичак таёқчалари келтириб чиқарган диареяли касалликларни ўз вақтида аниқлашга имкон берувчи «Гемолитик ичак таёқчасининг антибиотикларга резистент штаммларини замонавий усулларда эрта ташхислаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 8н-р/ 62-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсияномада антибиотикларга резистент гемолитик ичак таёқчалари келтириб чиқарган диарея касалликларини ўз вақтида аниқлаш имкони яратилган.

антибиотикларга резистент гемолитик ичак таёқчалари келтириб чиқарган диареяли касалликларни тўғри даволаш имконини берувчи тамойилларни ўз ичига олган «Антибиотикларга резистент гемолитик ичак таёқчаларини даволашнинг ташкилий-услубий жиҳатлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги 8н-р/ 62-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсияномада эшерихиоз билан касалланган болаларни даволашда ташкилий ва услубий

жихатлар ёритилиб, каслликни даволашдаги иқтисодий самарадорлик келтириши билан изоҳланган.

Болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойиллари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилояти Пайарик тумани тиббиёт бирлашмаси, Навоий вилояти юқумли касалликлар шифохонасида клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 ноябрдаги 08-3800-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши даволаш профилактик муассасаларида умумий амалиёт шифокори, клиник фармаколог, врач-бактериолог ва муассасадаги тиббий профилактик ходимлар тавсиясига кўра даволаш самарадорлиги ортиши, зарарланиш соҳасига қараб антибиотикларга резистент ичак таёқчаларини 81%да асоратсиз даволаниши, мониторинг натижасида олинган микробларга қарши дори воситалари электрон базасини шакллантирилиши ичак таёқчасининг антибиотикларга нисбатан резистентлигини 75%га камайтириши ҳамда 5 ёшгача бўлган болаларда *E.coli* сабабли ривожланган диареялар асоратларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ичак ўткир юқумли касалликлар тарқалганлиги ва антибиотикка резистент ичак таёқчалари хусусиятларининг**

**замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида ўткир ичак инфекцияларининг тарқалганлиги таҳлили, эшерихиялар авлоди, иммун тизимининг критик даврларида бўлган болаларда эшерихиоз касалликлари келиб чиқишида гемолитик ичак таёқчаларининг аҳамияти, *E.coli* билан зарарланганда цитокинлар ва антибиотикларнинг ўзаро муносабати, полирезистент хусусиятларга боғлиқ замонавий муаммолар ҳақидаги охириги маълумотлар келтирилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ишланмасининг зарурлиги асослаб берилган, шунингдек мазкур муаммони ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қилувчи қирралари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Болаларда ривожланган антибиотикорезистент гемолитик эшерихиозда яллиғланишга хос цитокинли жавоб ва колиинфекцияни даволашнинг ташкилий-услубий тамойилларини ўрганишда клиник, ретроспектив, иммунологик, серологик текширув усуллари қўлланилган. Диареяни ривожлантирувчи ичак таёқчалари хусусиятларини ўрганиш учун 3 йил давомида 293 нафар болалардан ажратиб олинган 615 та штаммлар ўрганилган. Булардан 492 та штамм 233 нафар ичак инфекциялари билан оғриган болалардан, 123 та штамм 60 нафар соғлом боладан назорат учун ажратиб олинган. Лаборатор тасдиғини топган эшерихиоз этиологияли колиэнтерит билан касалланган болаларнинг иммун статусини аниқлаш учун 28 нафар болалар ажратиб олинган ва уларнинг периферик қонида CD3<sup>+</sup>-, CD4<sup>+</sup>-, CD8<sup>+</sup>- ва CD16<sup>+</sup>- каби рецепторларга эга бўлган лимфоцитлар ҳамда қон зардобидаги IgA, IgG ва IgM миқдорининг кўрсаткичлари таҳлили натижасида ўрганилган.

Бунда 28 нафар эшерихиоз билан касалланган болалар иммун тизим ривожланишининг критик даврларига мос ҳолда 3 та гуруҳга, яъни 2-, 3-, 4- критик даврга мос келувчи ёшдаги болалар танлаб олинган ва ўрганилган. Тадқиқотда зарур бўлган вазифаларни ечиш учун саволлар тузилган ва улар асосида сўровномалар тайёрланган. Бунда ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болаларни даволаган 60 нафар шифокорлар (юқумли касалликлар шифокори ва педиатр) иштирок этишган ҳамда саволларни ўзида жамлаган анкета сўровномасига жавоб беришган.

Кузатувда 6 ойликдан 1,5 ёшгача бўлган болаларда ўткир ичак касалликлари нисбатан кўп учраган. Бунда 6 ойликдан 12 ойгача бўлганлар 27 нафар (26,6%) ни ташкил қилган бўлса, 1 ёшдан 1,5 ёшгача бўлганлар 74 нафар (31,8%) ни ташкил қилган. Бу икки ёш кўрсаткичи жами ўрганилган бемор болаларнинг 58% ини ташкил қилган.

Тадқиқот натижасида текширилган болаларнинг жинси бўйича таҳлил ўтказиб кўрилганда касаллик ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан 1,2 марта кўпроқ эканлиги кузатилган.

Тадқиқотда болаларнинг жинси нисбатида ҳам мос равишда касаллик асосан 6 ойликдан 12 ойликкача учрагани ва ўғил болаларда касаллик 126 нафар (54,1%), қиз болаларда 107 нафар (45,9%) ни ташкил қилган.

Ўрганилган беморларнинг 80 нафари (34,2%) шаҳар аҳолиси ва 153 нафари (65,8%) қишлоқ аҳолиси эканлиги аниқланган. Анамнестик кўрсаткичлар таҳлилида 16,6% болалар уй шароитида мустақил даволаниш ҳисобига шифохонага кеч ётқизилган. 16,5% ота-оналар фарзанднинг касаллигига жиддий қарашмаган ва дорихона ходимларининг тавсияси билан даволаниб юришган. 35,7% беморлар ўз вақтида шифохонага мурожаат этишган, бироқ уларга етарлича малакали кўрик ва даво чоралари тайинланмаган. Аниқланган ҳамроҳ патологиялар орасида камқонлик 90,6%, туғруқ даврида марказий асаб тизими шикастланиши (10,7%), ичак дисбактериози (42,4%), аллергия ҳолатлар (11,3%), рахит (4,5%), гипотрофия (14,3%), ЎРИ (9,7%), атопик дерматит (7,1%) кузатилган. Касаллик юқиш йўллари таҳлил қилинганда, ўткир ичак инфекцияларининг асосий юқиши мулоқот (29,8%) ва алиментар (27,8%) йўллар орқали ривожланган.

Тадқиқотда умумклиник: анамнез маълумотларини йиғиш, динамикада касаллик клиник кечиши ва оқибатларини баҳолаш, нажаснинг бактериологик текшируви (кўзғатувчи ва ичак микрофлорасини аниқлаш билан) ўтказилган. Эпидемиологик текширув усулларида ретроспектив таҳлил, аналитик ва ходиса-назорат усуллари қўлланилган. Серологик (иммунологик) тадқиқотлар “Samarqand Tibbiy Diagnostika” диагностик марказининг иммунологик лабораториясида ўтказилган. Бунда IL-6 ва IL-8 ларни аниқлаш учун Вектор-Бест (РФ) диагностика кўлланилган. Бактериологик текширув Эндо мухити ва антибиотикларга нисбатан сезгирлигини аниқлаш учун Мюллер-Хинтон мухитлари ёрдамида ўтказилган. *E.coli* штаммлари идентификацияси И.И. Мечников номидаги «Биомед» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган ОКА, ОКВ, ОКС, ОКД ва ОКЕ гуруҳидаги поливалент эшерихиоз зардобларидан фойдаланган ҳолда ойнача устида агглютинация реакцияси ёрдамида амалга оширилган. Иммуно жавобнинг гуморал бўғини: периферик қондаги IgA, IgG, IgM миқдори ИФА усулида ва ҳужайравий бўғини: периферик қондаги CD3+-, CD4+-, CD8+- ва CD16+-лимфоцитлар миқдори моноклонал антителолар ёрдамида аниқланган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларни статистик таҳлил қилишда Microsoft Office Excel-2012 ва IBM SPSS 23.0 дастурларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлардан ажратилган гемолитик *E.coli* нинг клиник ва микробиологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болаларда *E.coli* инфекциясининг кечиш хусусиятлари ўрганилган.

Кузатувдаги гемолитик эшерихиоз натижасида ривожланган ўткир ичак инфекциялари натижасида касалланган беморларда касаллик клиник шакллари таҳлил қилинганда, гастроэнтерит (53,6%) ва энтероколит (39,2%) шакллари кўпроқ учраган. Культурал текширишлар ўтказилганда нажасда

асосан гемолитик эшерихиялардан монокультура шаклидаги: O55 (18 нафар беморда.), O86 (4 нафар беморда), O128 (6 нафар беморда) аниқланган.

Интоксикация симптоми, ошқозон ичак тизими зарарланиши ва организмнинг сувсизланиши каби белгилар оғир шаклида ўрта оғир шаклига нисбатан узоқроқ давомийликка эга бўлган.

Иммунологик тадқиқот патологик жараён динамикасини ўрганиш орқали, яъни касалликнинг ўткир даврида (касалликнинг 1-3 суткасида) ва эрта соғайиш даврида олиб борилган, натижалар 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Ўрганилган гуруҳлардаги Т-лимфоцитлар субпопуляциялари миқдорининг мутлоқ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2 критик давр (0-6 ойгача) (n=9)	3 критик давр (6 ойдан 2 ёшгача) (n=10)	4 критик давр (2 ёшдан 5 ёшгача) (n=9)
CD3+- лимфоцитлар	58,63 ± 0,71; p* > 0,05	53,64 ± 0,63; p* < 0,001; p2-3 < 0,05; p1-2 < 0,01	56,01 ± 0,54; p* < 0,05; p1-3 < 0,05
CD4+- лимфоцитлар	33,94 ± 0,38; p* < 0,05	28,49 ± 0,55; p* < 0,001; p2-3 > 0,05; p1-2 < 0,001	27,68 ± 0,61; p* < 0,001; p1-3 < 0,001
CD8+- лимфоцитлар	23,28 ± 0,31; p* < 0,05	18,32 ± 0,41; p* < 0,001; p2-3 > 0,05; p1-2 < 0,001	17,38 ± 0,72; p* < 0,001; p1-3 < 0,001
CD16+- лимфоцитлар	8,34 ± 1,45 p* < 0,05	5,23 ± 1,32 p* < 0,001; p2-3 > 0,05; p1-2 < 0,001	3,85 ± 0,22 p* < 0,001; p1-3 < 0,001
Эҳтимолилик даражаси - p* - миёрга нисбатан; p1-2-биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичлари ўртасида; p2 - 3-иккинчи ва учинчи гуруҳ кўрсаткичлари ўртасида; p1 - 3-биринчи ва учинчи гуруҳ кўрсаткичлари ўртасида			

1-жадвалдан кўришиб турибдики, эшерихиоз билан касалланганда 2 - критик даврда CD3+-хужайралар меъёрнинг пастки чегарасида; 3- ва 4-критик даврларда меъёрга нисбатан аҳамиятли даражада пасайган (p<0,01). CD4+-хужайралар барча критик даврларда меъёрга нисбатан паст бўлган. CD8+-хужайралар 2-критик даврда меъёрга нисбатан ишончли даражада ошганлиги ва 3- ва 4-критик даврларда аҳамиятли даражада пасайган. CD16+-хужайралар 2-критик даврда меъёрнинг пастки чегарасида; 3- ва 4-критик даврларда меъёрга нисбатан аҳамиятли даражада пасайган.

Ўрганилган даврда беморларнинг барчасида иммун жавобнинг хужайравий бўғинидаги CD3+-, CD4+-, CD8+- ва CD16+-лимфоцитлар сони динамикаси ўрганилганда илк кунлари камайиши аломатлари мавжуд бўлиб, 8-10 кунларига келиб уларнинг сони ортиши юз берган.

Иммун жавобнинг гуморал бўғини: периферик қондаги IgM, IgA, IgG миқдори ўрганилганда, 3- ва 4-критик даврлардаги болаларда IgA меъёрга нисбатан кам миқдорда ошган. Эшерихиоз билан касалланган болалар қон

зардобидаги иммуноглобулин кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Ўрганилган гуруҳлардаги қон зардобидаги IgA, IgM ва IgG миқдори кўрсаткичлари, г/л**

Кўрсаткичлар	2 критик давр (0-6 ойгача) (n=9)	3 критик давр (6 ойдан 2 ёшгача) (n=10)	4 критик давр (2 ёшдан 5 ёшгача) (n=9)
IgA	0,35±0,04 p* > 0,05	0,71 ± 0,12; p* > 0,05	1,14 ± 0,09; p* > 0,05;
IgM	0,64±0,01 p* > 0,05	7,48 ± 0,37; p* > 0,05	9,94 ± 0,17; p* < 0,001;
IgG	6,01±0,25 p* > 0,05	0,69 ± 0,15; p* > 0,05	0,81 ± 0,10; p* > 0,05;

2-жадвалдан кўриниб турибдики IgM концентрацияси 2-критик даврда меъёрга нисбатан ўзгаришсиз бўлсада, 3- ва 4-критик даврлардаги (2-5 ёшгача) миқдори сезиларли даражада ошганлиги (7,48±0,37 г/л; 9,94±0,17 г/л) аниқланган (p<0,01). IgG миқдори 3- ва 4-критик даврдаги болаларда аҳамиятли даражада пасайган (0,69±0,15 г/л; 0,81±0,10 г/л).

Шундай қилиб 2-критик давридаги ёши 6 ойгача бўлган болалар эшерихиоз билан касалланганда уларнинг иммун жавоб шаклланишида хужайравий бўғинда сезиларли ўзгариш кузатилмаган. Бироқ 3- ва 4-критик даврдаги 2-5 ёшдаги болаларда иммун жавоб шаклланишида турли ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, CD3+-, CD4+-, CD8+- ва CD16+- лимфоцитларнинг аҳамиятли даражада камайиши кузатилган. Аксинча гуморал иммунитет фаоллашган.

Ажратиб олинган штаммларни 5% ли қуён қони қўшилган Эндо муҳитида экиб, гемолитик қобилияти ва лактозага нисбатан муносабати кўриб чиқилганда қўйидаги маълумотлар олинган: лактоза (+) 283 та штаммнинг 182 таси Нлу «-»; 101 та штам Нлу «+»; лактоза (-) 209 та штаммдан 78 таси Нлу «-»; 131 таси Нлу «+» эканлиги қайд этилган. Жами 492 штамдан 232 (47%) Нлу «+»; 260 (53 %) Нлу «-» эканлиги аниқланган.

**Диссертациянинг «Гемолитик эшерихиоз билан касалланган болаларда цитокинлар ва *E.coli* нинг антибиотикларга нисбатан резистентлигининг боғлиқлиги»** деб номланган тўртинчи бобида беморларда иммунитет кўрсаткичларини клиник баҳолаш ва организмнинг жавоб реакциясини ўрганиш учун ҳамда касаллик динамикасида цитокинлар миқдори ўзгариши ўрганилган (назорат гуруҳига қиёсан).

Гемолитик эшерихиялар натижасида ривожланган ўткир ичак инфекцияларининг оғир ва ўрта оғир шаклида цитокинлар миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш учун 28 нафар беморда клиник-лаборатор текширувлар ўтказилган. Тадқиқотга 6 ойликдан 5 ёшгача гемолитик эшерихиялар томонидан чақирилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болалар олиниб, уларнинг ўртача ёши 2.8±2,26 ни (p=0,545) ташкил қилган. Беморларнинг 16 (57,1%) нафари ўғил болалар ва 12 (42,9%) нафари қизлар бўлган. Назорат гуруҳини 20 нафар соғлом болалар ташкил қилган. Кузатувдаги беморларнинг 21 нафари (75,0%) ўрта оғир шаклдаги ва 7 (25,0%) нафари (7.1%) оғир шаклдаги беморлар ташкил қилган.

Эшерихиоз натижасида ривожланган колиинфекциянинг турли даврларида ва касалликнинг оғирлигига кўра даражаларида зардобдаги интерлейкинлар миқдорининг қиёсий кўрсаткичлари 3-жадвалда берилган.

### 3-жадвал

#### Эшерихиоз касаллигининг турли даврларида қон зардобдаги интерлейкинлар миқдори ( $M \pm m$ , пг/мл)

Кўрсаткичлар	Ўрта оғир кечиши (n=21)		Оғир кечиши (n=7)	
	Ўткир шакли	Реконвалиденция даври	Ўткир шакли	Реконвалиденция даври
ИЛ-6	140,40±9,471, 3	62,01±3,302	208,10±15,581	77,01±4,562
ИЛ-8	187,70±14,811, 3	52,95±2,64	305,10±39,091	94,03±9,132

Изоҳ: 1 - ишончилилик даражаси ( $p < 0,001$ ) нисбий реконвалиденция даври; 2 - соғлом болалар ва беморлар таққосланганда реконвалиденция даври ишончилилик даражаси; 3-касалликнинг ўрта оғир ва оғир шаклларидаги кўрсаткичлар ишончилилик даражаси

Тадқиқотда ўрганилган антибиотикларга резистент гемолитик ичак таёқчаси билан касалланган болалар ва касалликнинг кечиш даражасига кўра ўрта оғир ва оғир шаклдаги беморларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши бўлган интерлейкинлар миқдори ўзаро қиёсланганда касалликнинг оғир шаклидаги интерлейкин 6 ва 8 лар миқдори касалликнинг ўрта оғир шаклидаги ўткир ва реконвалиденция даврига нисбатан аҳамиятли даражада ортанлиги кузатилган. ( $p < 0,01$ ).

### 4-жадвал

#### Гемолитик эшерихиялар натижасида ривожланган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлар қон зардобда цитокинлар миқдори (динамикада $M_e$ , Q1–Q3)

Цитокинлар	Касаллик динамикасида қон зардобдаги цитокинлар, пг/мл			
	I (n = 28)	II (n = 28)	III (n = 28)	назорат (n = 20)
ИЛ-6	10,43 (9,32–12,95)	1,95 (0,90–6,36)	0,16 (0,04–0,47)	0,09 (0,08–0,09)
ИЛ-8	15,25 (9,32–18,65)	92,26* (33,21–111,26)	12,15 (9,05–19,10)	0,17 (0,17–0,18)

Ишончилилик даражаси Крускал–Уоллис ва U Манн–Уитни ранги (Бонферрон томонидан тўлдирилган) мезонлари асосида олиб борилди ва назорат гуруҳи билан қиёсланди:  $p < 0,05$ . I – касалликнинг авж олган даври, II – касаллик клиник белгиларининг камайиш даври, III – тузалиш даври.

Тадқиқот давомида гемолитик эшерихиялар томонидан қўзғатилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлар қонида яллиғланишга хос бўлган цитокинлар (ИЛ-6) концентрацияси касалликнинг ўткир даврида ва клиник симптомларнинг ривожланиш даврида статистик жиҳатдан юқори бўлган. Реконвалесценция даврining бошланиш даврида эса, қон зардобда яллиғланишга хос бўлган цитокинлар концентрацияси назорат гуруҳидагилар каби меъёр даражасигача пасайган ( $p > 0,05$ ), фақатгина қондаги ИЛ-6 кўрсаткичи касалликнинг оғир даражасида ўрта оғир даражадагига нисбатан юқорилигича сақланиб қолган ( $p < 0,05$ ).

Қон зардобидаги IL-8 касалликнинг авж олиш даврида худди назорат гуруҳидаги болаларники каби ўзгаришсиз қолган бўлса ( $p>0,05$ ), клиник белгилар ривожланиши билан унинг даражаси биров ортиб, касаллик охирида эса соғлом болалар кўрсаткичи билан тенглашган ( $p>0,05$ ). Цитокинлар профилини ўрганиш орқали олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, гемолитик эшерихиялар томонидан кўзғатилган ўткир ичак инфекцияларида тизимли яллиғланиш жараёни содир бўлган ва тузалиш давригача инфекция жараён тугалланмаган. Буни тасдиғи касаллик оғир кечганда IL-6 нинг кўрсаткичлари жуда ошиб кетган ҳамда касалликнинг реконвалиденция давригача сақланиб қолган.

Статистик жиҳатдан ўрганилганда гемолитик эшерихиялар томонидан кўзғатилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган болаларда касалликнинг оғир шаклида ўрта оғир шаклига нисбатан қон зардобида IL-6 фақатгина реконвалесценция даврида ошган ( $p<0,05$ ). Касалликнинг оғирлик даражасидан қатъий назар, яъни оғирва ўрта оғир шаклларида динамикада цитокинлар ишлаб чиқарилиши сезиларли тарзда камайган. Цитокинларнинг энг юқори кўрсаткичлари клиник симптомлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, тузалиш даврида аста секинлик билан меъёр даражасига қайтган.

Тадқиқотда эшерихиялар кўзғатадиган колинекция билан касалланган болаларнинг иммун статус ҳолатига боғлиқ ҳолда ажратиб олинган 232 штамдаги *Nlu+* эшерихияларни бирламчи саралашда кенг ишлатиладиган антибиотикларга (гентамицин (Gm), кефзол (Cz), стрептомицин (Sm), канамицин (Km), клофаран (Kl), эритромицин (Em), рифампицин (Rp), полимиксин (Pm), ровамицин (Rm) ва ҳ.к.) муносабати ўрганилган. Гемолитик эшерихиялар томонидан кўзғатилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган ва уларнинг периферик қон зардобида IL-6, IL-8 цитокинларини ўрганиш давомида параллел равишда шу беморлардан ажратилган гемолитик эшерихияларнинг антибиотикларга нисбатан резистентлиги ҳам ўрганилган.

Ўрта оғир даражада касалланган 21 нафар болалардан 27 штамдаги гемолитик эшерихиялар ажратилган ва уларнинг антибиотикларга резистентлиги аниқланган. Оғир даражада касалланган 7 нафар болалардан 21 штамдаги гемолитик эшерихиялар ажратилган ва уларнинг антибиотикларга резистентлиги аниқланган. *E.coli* штамларининг айнан бир ёки иккита антибиотикка нисбатан резистентлиги кузатилмаган, 40,7% учта, 59,3% тўртта антибиотикка нисбатан резистентлиги келтирилган.

Касалликнинг оғир даражасида IL-6 ва IL-8 миқдори 10-18 бўлганда эшерихия штамларининг бир қанча антибиотикка нисбатан резистентлиги кузатилган, жумладан 38,1% 5-6 турдаги, 38,1% 7 турдаги ва 23,8% 8-9 турдаги антибиотикларга нисбатан резистентлиги кузатилган. Касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолдаги цитокинлар ўзгариши эшерихияларнинг антибиотикларга нисбатан резистентлигининг ортишига олиб келган.

Шундай қилиб, гемолитик эшерихиялар томонидан кўзғатилган ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморларда IL-8 миқдорининг реконвалесценция даврида меъёр даражасига келиши, касалликнинг махсус асоратлари ривожланмасдан тузалишидан далолат берган. Касалликда яллиғланиш медиаторларининг аҳамияти ва унга мос равишда клиник

симптомлар пайдо бўлишини билиш учун цитокинлар концентрацияси ва клиник симптомларни учун корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

